

Қуръони Каримни тиловат қилишга одатланиш



09:03 / 07.12.2024 2671

Қуръони Карим Аллоҳ таолонинг китоби. Унинг таълимотлари дунё ва охираат саодатига кафилдир. Ҳар бир лафзида нур бор. Унинг маъносини тушунмасдан, фақат тиловат қилиш ҳам савоб ва хайр-баракага сабабдир.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким Аллоҳ таолонинг китобидан бир ҳарф ўқиса, унга бир яхшилик бўлади. Бу бир яхшилик ўнта яхшиликка тенгдир. Мен «алиф, лаам, миим»ни бир ҳарф демайман, балки, «алиф» бир ҳарф, «лаам» бир ҳарф ва «миим» бир ҳарфдир», дедилар.

Имом Доримий ривояти.

Ушбу ҳадиси шарифдан маълум бўладики, агар бирор кимса фақат «алиф, лаам, миим»ни тиловат қилса, шунинг ўзидан унинг номаи аъмолига ўттизта яхшилик ёзилади.

Яна ушбу ҳадиси шарифдан шу нарса маълум бўладики, бу савоб оятларнинг маъноларини тушунмасдан ўқиса ҳам берилади. Чунки, «алиф, лаам, миим» шундай лафзки, унинг маъносини Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким билмайди. Унинг ҳақиқий маъносини билишга ҳеч кимда имкон йўқ. Чунки, булар «хуруфи муқаттаот» жумласидан бўлиб, муташобих оятларга киради. Уларнинг маъносини Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким билмайди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам «алиф, лаам, миим»ни мисол қилиб, шуни ҳам очиқ баён қилдиларки, Қуръони Карим тиловатининг савоби унинг маъносини тушунишга боғлиқ эмас, балки, маъносини тушунмасдан тиловат қилишга ҳам савоб берилади.

Демак, фақат «алиф, лаам, миим»ни ўқишга ўттизта савоб бўлса, Қуръони Каримнинг бир неча ояти ёки бирор сурасини ўқишга қанча савоб бўлади? Шунинг учун ҳар бир мусулмон ҳар куни эрталаб бошқа ишларга машғул бўлишдан олдин бироз бўлса ҳам Қуръони Карим тиловатини одат қилиб олсин. Агар кўпроқ ўқишнинг иложи бўлмаса, чорак пора, бунинг ҳам имкони бўлмаса, ҳеч бўлмаса, бир неча оятларни ўқиб турсин. Шунда ҳар куни унинг номаи аъмолига минг-минглаб яхшиликлар ёзилиб бораверади.

Шунингдек, ҳар бир мусулмон Қуръони Каримнинг бир неча сурасини ёдлаб олсин. Шунда, қачон имкон топса, Қуръони Каримни очмасдан ҳам ёддан ўқийверади. У юриб кетаверади, тиловат туфайли номаи аъмолига яхшиликлар ёзилиб боради.

Бомдод намозидан кейин ҳар бир мўмин озгина бўлса-да, Қуръони Каримни ўқишни одат қилсин. Бирор куни тиловатсиз қолмасин. Қуръони Каримда етти манзил бор. (Бир манзил - ҳафтаяк, яъни Қуръоннинг еттидан бир қисми). Олдинги замонларда одамлар ҳар куни бир манзил (яъни, Қуръони Каримнинг еттидан бири, тахминан, тўрт ёки тўрт ярим пора) тиловат қилишга одатланишган эди. Шунда улар ҳар етти кунда хатм қилишган. Бизлар эса, анча заиф одамлармиз. Қуръонни бу қадар кўп ўқишга бардошимиз етмаслиги аниқ. Лекин имкон қадар ҳаракат қилайлик. Хоҳ бир пора бўлсин, хоҳ ярим пора бўлсин, ўқийлик. Ҳеч йўғи, Ҳакимул уммат қоддасаллоҳу сирроҳ айтганларидек, агар кимгадир ярим пора ҳам мушкул бўлса, у ҳолда чорак пора ёки икки-уч рукуъни ўқисин. (Бир рукуъ - бир маъно тўлиқ тугаган ёки бир ракъатда ўқиладиган миқдор). Лекин бирор

куни Қуръони Карим тиловатидан ҳоли ўтмасин.

«Насиҳатлар гулдастаси» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 4 апрелдаги 02-07/ 2234-рақамли ва 2023 йил 23 мартдаги 03-07/ 1912-рақамли хулосалари асосида чоп этилди.